

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

# ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

(олий ва профессионал таълим  
ўқувчилари ва талабалари учун)

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024



# МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
Тўлов-контракт асосида қабул қилиш, ўқиш учун тўлов тартиби ва миқдори.....	5
Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.....	11
Талаба ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	23
Талабаларнинг кийиниш маданияти.....	32
Талабаларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатлари .....	37
Талабага ижара бўйича ёрдам .....	40
Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби.....	44
Талабалар ва ўқувчиларга таълим кредити .....	66
Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш .....	73

# КИРИШ

Ҳозирги кунда давлатимизда ёшларга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Чунки ёшлар давлатнинг келажагидир ва уларнинг бугунги кундаги билим олишини кафолатлаш орқали биз ўзимизнинг келажагимизни белгилаб олган бўламиз. Ёшлар асосан олий таълим муассасаларига ўқишга топшираётган ва унда таълим олаётган таълим олувчилардан иборат бўлиб, улар ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши долзарб масалага айланди, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу қўлланманинг ишлаб чиқилишидан мақсад, ўқувчи ва талабаларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш орқали ўзларининг давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ундан фаол равишда фойдаланиш, шунингдек, ҳуқуқлари бузилган тақдирда қай тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларига мурожаат қилишларини ўргатишдан иборатdir.

# ТҮЛӨВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЎҚИШ УЧУН ТҮЛӨВ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ





Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида кириш имтиҳонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)нинг баллар рейтинги бўйича **Давлат комиссияси томонидан** амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига талабаликка тавсия этилганлиги эълон қилинган кундан

---

бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда **3 нусхада**, жисмоний шахслар учун **2 нусхада** расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг таклифларига мувофиқ, уларнинг имкониятлари, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, Давлат комиссияси қарори асосида абитуриентлар тўлов-контракт бўйича белгиланган квотадан ташқари қўшимча равишда ўқишга қабул қилиниши (кейинги ўрин ларда қўшимча қабул деб аталади) мумкин.

Қўшимча қабулни амалга ошириш таклифлари олий таълим муассасалари томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда **15 октябрга қадар** Давлат комиссиясига киритилади.

Давлат комиссияси олий таълим муассасаларининг имконияти, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, оширилган

түлов-контракт шарти билан абитуриентларни құшимча қабул қилиш күрсаткичлари юзасидан **20 октябрға қадар** қарор қабул қиласади.

Бунда:

- баллар кетма-кетлиги бүйічар рүйхатдаги олдинги абитуриент құшимча түлов-контракт асосида ўқишини аризаси билан рад этган ҳолда ёки кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ариза бермаганда рүйхатдаги кейинги абитуриент құшимча түлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилади;
- құшимча түлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш олий таълим муассасасининг бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолдаги таклифларига (қабул күрсаткичлари бўйича) биноан Давлат комиссияси қарори асосида олий таълим муассасаларининг имконияти инобатга олиниб амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари құшимча қабулни Давлат комиссияси қарори билан белгиланган күрсаткичларга мувофиқ тўплаган баллари Давлат комиссияси томонидан

белгиланадиган **минимал баллдан кам бўлмаган ва асосий қабул чегараларига 4 баллгача етмаган абитуриентлар** орасидан баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширадилар.

Оширилган тўлов-контракт миқдори амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан қўйидаги миқдорларда белгиланади:

- тўплаган баллари тасдиқланган тўлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига бир баллгача етмаган абитуриентлар учун – **1,5 баробар**;
- 1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун – **2,0 баробар**;
- 2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун – **2,5 баробар**;
- 3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун – **3,0 баробар**.

Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартлари биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)да тўплаган натижалари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан

кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай қолган ва ўқиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўқув йилига амалда ўрнатилган **тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробар ва ундан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдорида** тўловни амалга ошириш шарти билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам балл тўплаган абитуриентларга биринчи ўқув йилига амалдаги оширилган тўлов-контрактнинг таълим йўналиши бўйича **белгиланган энг юқори миқдорининг 2 баробарига тенг тўловни** амалга ошириш шарти билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-кон-



тракт асосида ўқиш истагини билдирган барча абитуриентлар учун оширилган түлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилади. Бунда, абитуриент тест топширган фанлар мажмусасининг (фанларнинг блокдаги ўрни) мослиги билан биргаликда унинг доимий яшаш жойи ёки ҳужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд мезон этиб белгиланади.

Оширилган түлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда түлов-контракт шартларини биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Олий таълим муассасалари қўшимча оширилган түлов-контракт асосида қабул қилинган абитуриентлар ҳақида маълумотни Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига **1 ноябрға қадар** тақдим этадилар.

Республика олий таълим муассасаларига қўшимча қабул қилинган талабалар биринчи ўқув йилини тугатгандан сўнг кейинги ўқув йилидан бошлаб амалда ўрнатилган базавий түлов-контракт миқдори асосида ўқишини давом эттирадилар.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛА- РИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ



---

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом** олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди. Низом талаблари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилмайди.

Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан **биринчи машғулотда** мазкур Низом талаблари билан таниширилиши шарт.

Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битириув малакавий иши, шунингдек магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.



## Назорат турлари

Оралиқ назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўник-

маларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулотлари давомида ўтказилади.

Оралиқ назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда **2 марта гача ўтказилиши мумкин.**

Оралиқ назорат турини ўтказиш шакли ва муддати фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли **кафедра томонидан белгиланади.**

Оралиқ назорат турининг топшириклари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Семестр давомида ҳафтасига **2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлар бўйича** оралиқ назорат тури ўтказилмайди.

Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим топширикларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб борилади.

Талабани оралиқ назорат тури бўйича баҳолашда, унинг ўқув машғулотлари давомида олган баҳолари инобатга олинади.

**Якуний назорат тури** семестр якунида (тиббиёт олий таълим муассасаларида фан якунида) тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини



ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Якуний назорат турини ўтказиш шакли тегишли фан бўйича кафедра томонидан белгиланади.

Якуний назорат тури олий таълим муассасасининг тегишли факультет декани ёки ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турлари объектив тизимлаштирилган клиник синов ёки объектив тизимлаштирилган имтихон шаклларида ўтказилиши мумкин.



## Талабалар билимини бақолаш мезонлари

Талабаларнинг билими қуйидаги **мезонлар** асосида:

- талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қиласи, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда – **5 (аъло) баҳо**;
- талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда – **4 (яхши) баҳо**;
- талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда – **3 (қониқарли) баҳо**;
- талаба фан дастурини ўзлаштиргмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда – **2 (қониқарсиз) баҳо** билан баҳоланади.

Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмунни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.



### **Талабалар билимини баҳолаш**

Талабалар билимини баҳолаш **5 баҳолик тизимда** амалга оширилади.

Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича **ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи** якуний назорат турини ўтказишда **иштирок этиши тақиқланади**.

Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин.



Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш, шунингдек талабаларнинг билимини баҳолаш тегишли кафедра мудири томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби тегишли фан профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахassisлари орасидан шакллантирилади.

Комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахassisлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Олий таълим муассасасида назорат турларини ўтказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган

холларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

Талаба тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлиши шарт.

Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича **«2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди.**

Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2»(қониқарсиз) баҳо билан баҳоланганд талаба **академик қарздор ҳисобланади.**

Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга **факультет деканинг фармойиши асосида рухсат берилади.**

Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камиди **2 кун оралиғида белгиланиши лозим.**

Битирувчи курс бўлмаган талabalар кузги семестр натижалари бўйича З тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган холларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича З тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича оралиқ

ва (ёки) якуний назорат турларини янги ўқув иили бошидан **қайта топшириш учун 1 ой мүддат берилади.**

Бити्रувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштиргмаган фандан (фандардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

Фандардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси ректорининг (бошлигининг, филиал директорининг) буйруғи билан **курсдан қолдирилади.**

Талабага оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган мүддат давомида талаба томонидан **қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак.**

Талаба оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта топширишдан ўта олмаган тақдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Иккинчи марта оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини ўтказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлигини, филиал директорини) хабардор қиласи ва ушбу талаба ректор (бошлиқ, филиал директори) буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) ўзлаштирган семестр бошидан тўлов-контракт асосида мазкур ўқув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ўқишни давом эттиради.

Баҳолаш натижасидан норози бўлган талabalар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида

апелляция бериши мүмкін. Талаба томонидан берилған апелляция Апелляция комиссияси томонидан **2 күн ичіда** күриб чиқилиши лозим.

Талабанинг апелляциясини күриб чиқышда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини күриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қиласди. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.



### **Баҳолаш натижала- рини қайд қилиш**

Талabalар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини **ҳисобга олиш журналида қайд этиб борилади**. Профессор-ўқитувчи қўшимча равишда талabalар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Профессор-ўқитувчи журналда талабага кўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи талабаларнинг

---

**натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда** журналга қайд этиши лозим.

Назорат тури бўйича талабанинг билими «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳолангандা, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

Талаба назорат тури ўтказилган вақтда **узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда** Журналга «0» белгиси ёзиб қўйилади.

Журнал тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи, кафедра мудири ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сақланади. Журналнинг сақланиши учун факультет декани масъул ҳисобланади.

Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари журналга қайд этилганда, шу куннинг ўзида талабанинг баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қўйилиши керак.

Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки журналга «0» белгиси ёзиб қўйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

Тегишли ўқув йили якуни бўйича ишчи ўқув режадаги фанлар бўйича «3» (қониқарли) ёки «4»(яхши) ёхуд «5»(аъло) баҳо билан баҳолангандан талаба олий таълим муассасаси ректорининг (бошлиғининг, филиал директорининг) буйруғига асосан кейинги курсга ўтказилади.

Баҳолаш натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида талabalар ўзлаштиришини баҳолаш тизимини 5 баҳо ёки 100 баллик тизим ва илфор хорижий давлатлар олий таълим тизимида қўлланиладиган баҳолаш тизимига қиёсий таққослаш ҳамда уларга ўтказиш жадваллар асосида амалга оширилади.

# ТАЛАБАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



### Талабалар ҳуқуқлари:

- бепул асосда умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш;
- яшашжойидаги(микрохудуддаги) давлат умумий ўрта таълим мұассасасыга қабул қилиниш;
- таълим олиш шаклларини эркін танлаш;
- давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мұвофиқ сифатлы таълим олиш;
- таълим олиш учун ўзининг рұхий ҳусусиятлари ва физиологик ривожланиши инобатта олинган ҳолда зарур шарт-шароитларга эга бўлиш, шунингдек бепул психологияк-тиббий хизматлардан фойдаланиш;
- давлат таълим мұассасаси томонидан белгиланган тартибга мұвофиқ, профессионал таълим ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига биноан ишлаб чиқилган, ўзи оладиган таълимнинг мазмунини шакллантиришда иштирок этиш;
- педагог ходимлар ва таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳаёти ва соғлиғига қилинадиган ҳар қандай жисмоний ҳамда



рухий зўравонлиқдан, шахси ҳақоратланишидан ҳимояланиш;

- таълим олиш даврида дам олиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун таътиллар олиш;
- академик таътиллар ва стипендиялар олиш, ўқишини тиклаш ва ўқишини бошқа таълим ташкилотларига, бир таълим шаклидан, касбдан, таълим йўналишидан, мутахассислигидан бошқасига кўчириш;
- Таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- таълим олиш жараёнида таълим ташкилотининг ўқув, услубий, илмий-ишлаб чиқариш, маданий, спорт ва майший

объектлари хизматларидан бепул фойдаланиш;

- таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, илмий-техникавий, экспериментал ва инновацион фаолиятида иштирок этиш.

Таълим олувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни таълим олиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш тақиқланади.

**Талабанинг мажбуриятлари:**

- ўқув дастурлари асосида билим, марака ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши, педагог ходимларнинг топшириқларини бажариши;
- таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги ва уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги;
- устав (таъсис ҳужжати) талабларига, ички тартиб-қоидаларига, вақтинча яшаш жойлари қоидаларига ва таълим фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишга оид бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

- ахлоқий, маънавий ва жисмоний камол топишга ҳамда ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилиши;
- таълим-тарбия жараёни иштирокчила-рининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;
- таълим ташкилотининг мол-мулкини, моддий ва маданий бойликларини асраши шарт.

Таълим олувчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.



### **Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари**

#### **1. Олий таълим муассасаси ҳудудида:**

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;
- ҳудудни ифлослантирмаслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги чиқинди қутиласига ташлаш;
- устозларга дуч келганда салом бериш;
- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;

- олий таълим мұассасаси мүлки (күчар ва күчмас мүлки, үсімлик ва ҳайвонот дүнёси ва ҳоказолар)га әхтиёткорона муносабатда бўлиш, мавжуд шартшароитлардан оқилона, электр энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- кийиниш ва ўзаро сұхбат одобларига риоя қилиш;
- мутасаддиларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмаслик;
- майший тинчликка риоя қилиш;
- пора бериш, коррупцияга воситачилик қилиш, фирибгарлик йўли билан инсонларга моддий ва маънавий зарар етказиш қатъийян таъқиқланади;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.

## **2. Аудиторияда:**

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;

- 
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
  - қофоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;
  - овқатланмаслик, сақич чайнамаслик.

### **3. Умумий овқатланиш жойларида:**

- таомларни олишда навбатга риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;
- умумий овқатланиш шахобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

### **4. Ахборот ресурс марказида:**

- АРМ ходимлари билан ҳушмуомалада бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қофоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

**5. Талабалар турар жойларида:**

- мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;
- электр-энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;
- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;
- талабалар турар жойи «Низоми» ва «Ички тартиб қоидалари»га қатыйириоғы қилиш.

**6. Спорт мажмуаларидан:**

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойабзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига қилиш.

**7. Маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида:**

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида ҳуштак

чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;

- үхлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

*Шунингдек:*

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан олий таълим муассасаси ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;
- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаш;
- олий таълим муассасаси манфаати, ўнинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

## **8. Талабалар одоб-аҳлоқида ман этиладиган ҳолатлар:**

- профессор-ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;
- профессор-ўқитувчи билан бошқалар-нинг баҳосини мұхокама қилиш;

- ёлғон гапириш, ғирромлик ёки профессор-үқитувчиларни چалғитиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-харакаттар қилиш;
- ходимлар ва ўз ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш;
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;
- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириклар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;
- машғулотлар вақтида профессор-үқитувчининг рухсатисиз аудиториядан чиқиб кетиш;
- бошқа талабанинг саъй-харакатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жиҳатдан яхши таъминланганligини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш қатъийян ман этилади.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ



**Ташқи кўриниш** – инсоннинг ким ва қандай эканлиги ҳақида дастлабки маълумотни берувчи, унинг турмуш тарзи ва ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолияти эканлигини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаси жамоаси кийиниш маданиятига риоя этиши лозим.

Жамоа аъзоларининг олий таълим муассасасига меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга номувофиқ кийиниш тақиқланади. Жамоа аъзолари олий таълим муассасасига ораста бўлиб, унга монанд кийимда келиши лозим (Кейинги бандларда кийиниш тартиби алоҳидалашган тарзда баён қилинади).

Муассасада раҳбар ходимлар, педагог, шифокор (ёки бўлажак педагог, шифокор) касбига мос ҳолда кийинишлари талаб этилади. Педагог ходимлар ва мураббийлар талабаларга ибрат намунасини кўрсатишлари шарт.

Файриоддий соч турмаклари, ортиқча бўянган, паст савияли «оммавий маданият» белгиларини ўзида намойиш этган ҳолда, спорт кийими ва пойабзалида келиши тақиқланади.

**Устки кийимнинг турлари** – бичими ортиқча безаклардан холи, классик шаклдаги костюм, юбка, блузка ва кўйлакдан иборат бўлиши тавсия этилади.

Костюм, юбка ва кўйлаклар қора, кулранг, кўк ранглардаги сидирға ёки чизиқли классик

---

матолардан, блузка эса, оқ рангда бўлиши лозим. Юбканинг узунлиги тиззадан юқори бўлмаслиги керак.

Аксессуарлар (сумка, кўзойнак ва безаклар) ҳам корпоратив услугга мос ҳолда танланиши, ортиқча безаклардан холи бўлиши, заргарлик тақинчоқлари (зирак, узук, мунчоқ ва бошқалар) кўзга яққол ташланмайдиган, нозик, нафис ва сипо шаклда дид билан тақилиши лозим.

Сочлар ораста йифилган, ўрилган ёки турмакланган, ортиқча аксессуарлардан холи бўлиши керак.

Махсус формалар кийиладиган олий таълим муассасаса(тибиёт, транспорт, божхона, ҳарбий ва ички ишлар)ларда кийиладиган кийимлар ва шунга монанд бош кийим тоза, текис, тиззадан пастда туриши, енги узун (фаслга қараб), классик услугда, чет эл ва турли хил фирма ёрликларидан холи бўлиши лозим.

**Устки кийимнинг турлари** – бичими классик шаклдаги костюм, шим, кўйлак ҳамда галстукдан иборат.

Костюм ва шимлар қора, кулранг, кўк ранглардаги сидирға ёки чизиқли матолардан, кўйлаклар эса очик рангларда (оқ, кулранг, кўк) бўлиши лозим.

Галстукнинг кенглиги ўртача, узунлиги камаргача бўлиб, ранги костюм ва кўйлакка мос танланиши керак.

Талаба йигитлар талабага мос, ручка, қалам, китоб, дафтарлар солиб юриш мумкин бўлган, ранги устки кийимга ярашимли қора, кулранг, жигар рангдаги сумка-портфеллар тутишлари лозим.

Талаба қизлар учун қуидагилар тақиқланади:

- узунлиги тиззадан калта бўлган, шаффофф ва ялтироқ матолардан тикилган, бичими тор, баданга ёпишиб турадиган, кўкрак, қорин, елка қисми очик блузка ва кўйлаклар кийиш;
- безак сифатида маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фаҳш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида «йиртилган», «титилган» ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;
- муассаса ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт майдончалари ва ҳашарлардан ташқари);
- ҳижоб ва бошқа диний кийим-бошларда юриш (Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно)



жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди» – 14 модда);

- ўқув анжомларини рўзфор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;
- қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юриш;
- кийимларда турли хил чет эл ва бошқа фирма ёрликлари бўлиши тақиқланади.


*Талаба йигитлар учун қуидагилар тақиқланади:*

- бичими тор, ялтироқ, баданга ёпишиб турадиган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш

элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида «йиртилган», «титилган» ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

- муассаса ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сүнг ТТЖ биноси, спорт мажмуаси ва ҳашарлардан ташқари);
- ўқув анжомларини рўзгор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;
- соч-соқолларни ўстириб юриш;
- бўйин тақинчоқлари ёки турли металл буюмларини тақиш ёки осиб юриш;
- танага бодиарт (бадан санъати) услубида турли суратлар чиздириш, татуаж ва пирсинглар тушириш одоб-ахлоқ қоидаларига зид ҳисобланади ҳамда муассаса ёки ташкилот, институтга бу ҳолда келиш тақиқланади.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАРИ





## Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим ташкилотларида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва вақтинча яшаш жойлари билан таъминланади.

Тўлов-шартнома асосида таълим олувчиларга имтиёзли банк кредитлари берилиши мумкин.

Нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни қонун ҳужжатларига, ўз уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатига мувофиқ амалга оширади.

Давлат ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида кам таъминланган оиласардаги болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун, шунингдек мазкур тоифадаги таълим олувчиларнинг касбий ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.





### **Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни вақтингча яшаш жойлари билан таъминлаш**

Кундузги таълим шаклидаги таълим ташкилотида таълим олувчиларга, шунингдек сиртқи таълим шаклида якуний ва оралиқ аттестация даврида вақтингча яшаш жойлари, улар мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Вақтингча яшаш жойлари таълим олувчиларга таълим ташкилоти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ берилади.

Вақтингча яшаш жойларига муҳтожлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Вақтингча яшаш жойларидан фойдаланиш учун таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади.

Вақтингча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов микдори таълим ташкилоти томонидан белгиланади.

Давлат таълим муассасалари айрим турдаги таълим олувчилар учун вақтингча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов қийматини камайтиришига ёки уларни тўловдан тўлиқ озод қилишга ҳақли. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар,

шүнингдек ўқитиши даврида етим бўлиб қолган болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

# ТАЛАБАГА ИЖАРА БҮЙИЧА ЁРДАМ



Талаба мустақил равишда анкета-аризанни икки нусхада түлдириб, ижара шартномаси нусхаси билан ўзи таълим олаётган факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари ёки олий таълим мусасасасининг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига топширади.

Бунда талаба қўшимча равишда ўзининг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотномаларни (агар мавжуд бўлса) илова қилиши лозим.

Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш:

- ўқув йили давомида, яъни ҳар йили **1 сентябрдан 1 июлгача** этиб ёки ўқитиш дастури бўйича ўқув йилининг давомийлигига қараб белгиланади;
- талабатомонидан **ҳаройнинг 7-санасига қадар** аризалар масъулларга тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

Ушбу **муддатлар тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди**.

Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун **шахсан жавобгар** ҳисобланади.

Масъуллар **бир ҳафта давомида тьюторлар билан биргаликда** талабаларнинг



маълумотларини комиссияга тақдим этиш учун ҳар томонлама ўрганади.

Масъуллар ҳафта давомида ўрганилган маълумотларни умумлаштириб, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун **навбатдаги ҳафтанинг биринчи кунида** комиссияга тақдим этади.

Масъуллар тақдим этган ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар **бир кун муддатда** комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Комиссия мажлислари комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади. Бунда, талаба таълим олаётган факультет деканининг **масалага масъул ўринбосари, тыютор, хотин-қизлар кенгashi раиси, ёшлар етакчisi** бир вақтнинг ўзида комиссия йиғилишида иштирок этиши шарт.

Комиссиянинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади ва қарор шаклида қабул қилинади.

Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида ариза берувчи сухбат учун Комиссия йиғилишига чақирилиши мумкин.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ариза берувчига ойлик **ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор** қабул қиласиди.

*Қуидаги ҳолатларда ариза берувчига ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш рад этилиши мумкин:*

- талаба **нотўғри маълумот берган ва ижара шартномасини қалбакилаштирган талабалар рўйхатида** мавжуд бўлганда;
- талабанинг ижара шартномасида кўрсатилган **манзилда яшамаслиги, ижарада яшаётган манзил ота-онаси (қонуний вакиллари)**га тегишли эканлиги, ижара шартномаси тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлиги;
- тақдим этилган **ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар** мавжуд бўлганда;

ариза ва тегишли **ҳужжатлар қабул қилишнинг охирги санаси тугагандан кейин** тақдим этилганда.

Аризаси ижобий ҳал этилган талабалар учун ижара тўловининг бир қисми улар ариза берган санадан бошлаб қоплаб берилади.

Давлат олий таълим муассасаси ректори (филиал директори)нинг тегишли буйруғига мувофиқ муассаса бухгалтерияси томонидан ижара ҳақининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган маблағлар **талабанинг пластик картасига пул ўтказиш йўли билан ҳар ойнинг 15-санасига қадар тўлаб берилади.**

Талаба ўқув йили давомида академик таътилга чиққан, курсда қолдирилган ёки талабалар сафидан четлаштирилган ҳолларда, унга ижара ҳақининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган маблағларни тўлаш тўхтатилади.

Талаба ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни, шунингдек тақдим этилган ижара шартномаси бекор қилинганда ёки яшаш манзили ўзгарганда **уч иш куни ичида** масъулларга ҳамда олий таълим муассасаси бухгалтериясига хабар бериши шарт.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА СТИПЕН- ДИЯЛАР ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ



**Стипендия** – олий таълим муассасаларида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда давлат гранти ҳамда стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга (хорижий талабалардан ташқари) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъий назар ойма-ой тўланадиган пул таъминоти;

**Стипендиянинг базавий миқдори** – давлат гранти ҳамда стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга тўланадиган стипендиянинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрнатиладиган энг кам миқдори;

**Стипендия комиссияси** – олий таълим муассасаларида талабаларга стипендиялар тайинлаш учун ҳар бир ўқув йилида ўқув ишлари бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) раислигида, факультетларнинг деканлари (бакалавриат даражасида факультет деканати мавжуд бўлмаган олий таълим муассасаларида – ўқув-услубий бўлим ёки бошқарма бошлиғи), касаба юшмаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, академик гурӯҳлар, бухгалтерия вакилларидан иборат таркибда ташкил этиладиган ҳамда олий таълим муассасасининг ректори (филиал директори) ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан тасдиқланадиган комиссия;

**Ўзлаштириш (рейтинг назорати) кўрсаткичи** – олий таълим муассасасида бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) ўқув режалари асосида ўтилган фанлар (машғулотлар) бўйича талабалар билим ва маҳоратининг синови натижалари;

**Ўзлаштираётган талаба** – бундан аввалги ўқув семестри учун ўзлаштириш (рейтинг назорати) кўрсаткичлари бўйича академик қарзи мавжуд бўлмаган талаба;

**Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси** – олий таълим муассасаларида ўқув семестри якуни бўйича фанларни ўзлаштираётган, алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси бўлган, жамоат ишларида фаол, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ талабаларни моддий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш жамғармаси.



### Давлат гранти талабаларига стипендия тайинлаш ва тўлаш

Олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олувчи талабаларга стипендия тўловлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Биринчи курс талабаларига ўқув йилининг 1-семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари (баҳолари) маълум бўлгунга қадар стипендиянинг базавий миқдорида стипендия тайинланади ва тўланади.

Аввалги **ўқув семестри натижаларига кўра** стипендиялар:

а) қуидаги тартибда тайинланади ва тўланади:

барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи **фақат «аъло» баҳо** (рейтинг кўрсаткичи – 86 балл ва ундан юқори) бўлган талабаларга **стипендиянинг базавий миқдори 20 фоизга оширилган ҳолда**;

фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларининг **30 фоизидан кам қисмини «қониқарли» баҳога** (рейтинг кўрсаткичи – 71 баллдан кам) ўзлаштираётган талабаларга – **стипендиянинг базавий миқдорида**;

б) фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларининг **30 фоизи ва ундан ортиқ қисми «қониқарли» баҳо** (рейтинг кўрсаткичи – 71 баллдан кам) бўлган талабаларга (тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи ҳамда 1 ва



2-гурух ногиронлиги бўлган талабалар бундан мустасно) навбатдаги ўқув семестри мобайнида **стипендия тайинланмайди**.



### **Тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия**

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга ўз хоҳишиларига кўра, контракт қийматини **стипендиали ёки стипендиасиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади**.

Стипендиали тўлов-контракт таркибига базавий стипендия миқдорининг йиллик суммаси киритилади ҳамда стипендия йил мобайнида ойма-ой тўлаб борилади.

Олий таълим муассасаларида стипендиали тўлов-контракт асосида таълим олаётган

талабаларга ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъий назар базавий миқдордаги стипендия тайинланади ва тўланади.

Олий таълим муассасаларида стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга стипендиялар белгиланган тартибда улар томонидан тўлов-контракт суммаси тўланганидан кейин берилади.



### **Номли давлат стипендиялари**

Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти грантига даъвогар бўлади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ ўtkazилган танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган ушбу тоифадаги талабаларга иккинчи курснинг ўқув йили бошидан **Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси тайинланади ва тўланади.**

«Аъло» баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, олий таълим

муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётган талаба-қизлар учун **Қизлар учун маҳсус стипендия** берилади.

Маҳсус стипендия ўқув семестри якуни натижаларига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлган ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилган оиласдан бўлган талаба-қизларга тайинланади ва тўланади.

Маҳсус стипендияни тўлаш тўғрисидаги қарор «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида олий таълим муассасаси кенгashi томонидан тасдиқланади ва **олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи асосида** расмийлаштирилади.

Маҳсус стипендия талаба-қизларга олий таълим муассасаларида умумий шартларда бериладиган стипендия сақлаб қолинган ҳолда стипендиянинг базавий миқдорида қўшимча тарзда ойма-ой тўланади.

Маҳсус стипендияни тўлаш ўқув семестри натижаларига кўра барча фанлар бўйича унинг ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлгандагина давом эттирилади.

Махсус стипендияни тўлаш қўйидаги ҳолларда келгуси ўқув семестридан бошлиб тўхтатилади:

- талаба-қизларнинг ўқув семестри натижалари бўйича барча фанлардан **ўзлаштириш кўрсаткичлари «аъло» бўлмагандা;**
- кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги **маълумотнома амал қилишининг (12 ойлик) муддати тугаганда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда номли давлат стипендияларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар талабаларнинг давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётганидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади ва стипендия соҳибларига белгиланган миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.



### **1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган талабаларга стипендия**

1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, жумладан, тўлов-контракт асосида таълим олувчи

талабаларга стипендия тўловлари амалга оширилади.

Аввалги ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъий назар 1 ва 2-гурӯҳ ногиронлиги бўлган ўзлаштираётган талабаларга **стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.**



**Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга стипендия**

Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи, жумладан, тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия тўловлари амалга оширилади.

Аввалги ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъий назар тўлиқ давлат таъминотида бўлган ўзлаштираётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

болалар сирасига кирувчи талабаларга  
**базавий стипендия миқдорида стипендия тайинланади ва тўланади.**

Бунда, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сира-сига кирувчи талабаларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.**

### **Олий таълим муассасалари талабалари учун стипендияларнинг белгиланган МИҚДОРЛАРИ\***

T/p	Стипендия номи ва қўшимча тўловлар	Стипендия миқдори (бир ойда, сўм)
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси	1 811 191
2.	Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек, Имом ал-Бухорий, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Ислом Каримов ва Камолиддин Беҳзод номли давлат стипендиялари	1 207 461
3.	Давлат гранти асосида, шунингдек, бир йиллик ўқитиш қийматининг стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган, барча фанлар бўйича фақат «аъло» ўзлаштириш кўрсаткичига (рейтинг кўрсаткичи 86 балл ва ундан юқори) эга бўлган талабалар учун стипендия	513 600

4.	Давлат гранти, шунингдек, стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар учун базавий стипендия ва қызлар учун маҳсус стипендия	428 000
5.	1 ва 2-гурӯх ногиронлиги бўлган талабалар учун стипендия	белгиланган стипендияларга нисбатан 50 фоиз юқори миқдорда назарда тутилади
6.	Алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси бўлган, жамоат ишларида фаол, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ талабалар учун кўшимча тўлов**	белгиланган стипендияларга нисбатан 50 фоизгача юқори миқдорда назарда тутилади
7.	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабалар учун стипендия	Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорда назарда тутилади

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги фармонлари қабул қилиниши муносабати билан олий таълим миассасалари талабалари стипендияларининг базавий миқдорлари ўзгарган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруги билан олий таълим миассасалари талабалари стипендияларининг жадвалда кўрсатилган миқдорларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

\*\* Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобига амалга оширилади.



## **Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари**

Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари талабаларига ваколатли орган томонидан ўtkaziladigan танлов натижаларига биноан тайинланади.

Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (йигирма иккита) Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофик ҳар йили ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган танлов йўналишлари



бўйича (ҳар бир танлов йўналишига биттадан стипендия ҳисобидан) тақсимланади.

Бунда, олий таълим мұассасалари томонидан номзодлар ҳар бир танлов йўналиши бўйича биттадан тавсия этилиши мумкин.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қуийдаги мезонларни бажариш белгиланади:

- умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан ўйғуллаштириш;
- йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;
- камида иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;
- тилларни – давлат тилини ва битта хорижий чет тилни билиш (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари), магистратурадаги мутахассислик хорижий тил бўлган тақдирда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади;
- Ўзбекистон тарихини билиш.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини ваколатли орган белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзодлар кўрсатиш, талабгорлар номзодларининг ўқишдаги ва илмий(ижодий)фаолиятдагимуваффақиятлари оммавий равишда муҳокама қилингандан сўнг, давлат олий таълим муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

**Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қўйидағиларни топширадилар:**

- синов дафтарчасидан кўчирма;
- деканат, кафедра тавсияномаси;
- илмий (ижодий) иш аннотацияси;
- раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;
- илмий (ижодий) ишга тақриз;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Барча ҳужжатлар **икки нусхада** тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, ҳар бир жилд мұқовасида ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш учун стипендиатлар номзодларини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиласидилар.

Илмий кенгашлар қарорлари вазирликлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида ваколатли органга тавсиянома юбориши учун асос ҳисобланади.

Стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни **йилига бир марта** кўриб чиқади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати – **1–15 август**, кўриб чиқиш муддати – **10–25 сентябрь**.

Давлат олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ваколатли орган **ҳайъати қарори** билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳайъатининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақида буйруқ тайёрлаши учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари талабаларга ҳар йили, бир ўқув йили учун, **1 сентябрдан бошлаб**, белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга **«Президент стипендиясининг**

**соҳиби» гувоҳномаси** Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳайъати мажлисида тантанали равишда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган магистратура босқичи талабалари олий таълим муассасасини битиргач, **икки йил давомида таянч докторантурага кириш имтиҳонларисиз** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қабул қилинади.



**Бакалавриат босқичи  
талабалари учун  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ва номли  
давлат стипендиялари**

Олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларида бутун ўқиши давомида фақат аъло баҳоларга ўқиётган Ўзбекистон

Республикаси фуқароси бўлган **охирги курс талабаларига** тайинланади ва тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари ҳар бир олий таълим муассасасининг бакалавриат босқичидаги **бир нафар битирувчи курс талабасига** тайинланади ва тўланади.

**Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий ва Ислом Каримов номли давлат стипендиялари** Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади.

Бобур номли давлат стипендияси тарих ва география йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади. Бунда ушбу номли давлат стипендияси сони тарих ва география йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари учун алоҳида биттадан белгиланади.

**Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси** жисмоний маданият ва спорт йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу

жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади. Бунда ушбу номли давлат стипендияси сони жисмоний маданият ва спорт йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари учун алоҳида биттадан белгиланади.

### **Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари**

Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади. Бунда ушбу номли давлат стипендиялари сони Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир олий таълим муассасаси учун Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари бўйича алоҳида биттадан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларида иштирок этувчи номзодларга қўйидаги талаблар белгиланади:

а) номли давлат стипендиялари учун:

- **аъло ўқиш ва илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;**
- йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

- **Ўзбекистон тарихини билиш;**
  - тилларни – **давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш,** бакалавриатдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш. Бунда, талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиш жойидаги тил кафедраларида маҳсус сухбатдан ўтадилар;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси учун белгиланган талабларга қўшимча равишда ўқиётган бакалавриат таълим йўналишига мос мавзуда **камида иккита эълон қилинган ишлар (мақола, тезис ёки асарлар)** нинг мавжудлиги талаб этилади.



### **Танловларни ўтказиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун олий таълим муассасаси кенгашига қўйидағиларни тақдим қиласидилар:

- 
- **синов дафтарчасидан** кўчирма;
  - деканат ва кафедранинг **тавсияномаси**;
  - илмий (ижодий) иш раҳбарининг тавсияномаси;
  - **илмий ишлар рўйхати** ва уларнинг босма нусхалари;
  - тиллар кафедраси, тарих кафедрасининг **сўхбат натижалари ҳақидаги маълумотномалари**.

Барча ҳужжатлар жилдга (папкага) жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки номли давлат стипендияси номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, бакалавриат таълим йўналиши, курси, гурӯҳи кўрсатилади.

Олий таълим муассасаси кенгаши қарорига асосан танловларнинг навбатдаги босқичига тавсия этилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар олий таълим муассасасининг масъул ходими томонидан **«stipendiya.edu.uz» электрон тизимига ҳар йили 1 – 15 август кунлари киритилади**.

Ваколатли орган стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни **йилига бир марта, ҳар йили 10 – 30 сентябрь кунлари кўриб чиқади**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар чет

тиллари, ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича билим даражасини аниқлаш учун ваколатли органда маҳсус тест синовлари топширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари совриндорлари талабгорларнинг илмий ишлари, эришган ютуқлари ҳамда ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра ваколатли орган танлов йўналишлари бўйича ташкил этилган танлов комиссиялари қарорига асосан аниқланади.

Танлов комиссияларининг қабул қилинган қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари совриндори бўлган талабалар рўйхати ваколатли орган раҳбари бўйруғи билан тасдиқланади.



### **Стипендияларни тайинлаш ва уларга бериладиган имтиёзлар**

Ваколатли орган раҳбарининг бўйруғи олий таълим муассасаси ректори (директори, ижрочи директори)нинг талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги **бўйруқларни расмийлаштириши учун асос** ҳисобланади.

---

Стипендиялар **1 сентябрдан бошлаб**, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатыйриоя қилған ҳолда тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларида голиб бўлган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири томонидан тасдиқланган қуидаги гувоҳномалардан бири берилади:


- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби»;
- «Беруний номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Ибн Сино номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Навоий номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Улуғбек номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Имом ал-Бухорий номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Ислом Каримов номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Бобур номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

- «Тўлепберген Қаипбергенов номли давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Ибройим Юсупов номли давлат стипендиясининг соҳиби».

Гувоҳномалар талабаларнинг ўқиш жойида тантанали вазиятда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар бакалавриатни тугатгандан сўнг икки йил мобайнида, номли давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар бакалавриатни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида тегишли мутахассислик бўйича **магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида** ўқишига қабул қилинадилар.

# ТАЛАБАЛАР ВА ҮҚУВЧИЛАРГА ТАЛЬИМ КРЕДИТИ



Олий ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олиш учун таълим кредитини **фақат кундузги таълим шаклида ўқиётган талаба ва ўқувчиларга ажратилади.**

*Таълим кредити:*

- олий таълим ташкилотларининг биринчи босқич талабалари ҳамда профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун тўлов-контракт суммаси миқдорида;
- олий таълим ташкилотларининг иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртacha кўрсаткичи «З» дан паст бўлган тақдирда тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида ажратилади («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оиласалар фарзандлари бундан мустасно).

*Таълим кредити:*

- **олий таълим ташкилотлари талабалари учун** – талабалар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» ([kontrakt.edu.uz](http://kontrakt.edu.uz)) ахборот тизими ва «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимида мавжуд бўлганда;

- 
- **профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун** – ўқувчилар түғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Профессионал таълим жараёнларини бошқариш» (prof.edu.uz) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилади.

Ўз дастурий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимларига ўз ахборот тизимини интеграция қилиши ёки улардан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

Барча олий ва профессионал таълим ташкилотларининг тўлов-контракт шартномаси «kontrakt.edu.uz» ва «prof.edu.uz» ахборот тизимлари орқали шакллантирилади.



Таълим кредитини олиш учун аризаларни «Таълим кредити» ахборот тизими ([ta'lim-krediti.mf.uz](http://ta'lim-krediti.mf.uz)) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш имконияти яратилган.



### **Хотин-қизлар учун таълим кредити**

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан республикадаги барча олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилотларида (Ўзбекистон Республикаси худудидаги хорижий, давлат, нодавлат, олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларида) ҳамда қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавриат, шунингдек, магистратурада тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқишини кўчирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган **талаба хотин-қизларга** берилади.

Бунда кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган **оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, турмуш ўртоғи)** ёки учинчи шахс биргаликда қарз олувчи **сифатида** таълим кредити шартномасида қатнашишлари мумкин.

Таълим кредитининг асосий қарзи кредит олувчи томонидан таълим ташкилотида таълимнинг тегишли тури бўйича **расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.**

Қарз олувчига таълим кредити **14 фоиз ставкасида** ажратилади ва кредит фоиз ставкалари маҳсус жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат қопланади.



### **Хотин-қизлар учун таълим кредитини расмийлаштириш**

Кредит олувчи таълим кредитини олиш учун **Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган тижорат банкларига** қуидаги хужжатларни тақдим этади:

- а) таълим кредити олиш тўғрисида ариза;
- б) талаба ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган **шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси/фактура** (мавжуд бўлганда). Шартнома (контракт)да ўқишни тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим;

в) тијорат банкининг кредит сиёсатига мувофиқ **таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат**. Бунда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оиласларнинг хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва **кафиллик талаб этилмайди**;

г) **«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома** («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оиласлар хотин-қизлари учун).

Кредит оловчи белгиланган ҳужжатларни тијорат банкига тақдим этиш билан бир вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни шахсан кўрсатади. Тијорат банки тақдим этилган ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Тијорат банки кредит оловчи томонидан таълим кредити беришни сўраб тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни **беш иш куни мобайнинда** кўриб чиқиб, таълим кредити шартномасини имзолайди.

Кредит оловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тијорат банкининг кредит сиёсати талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларда тијорат банки томонидан кредит беришни

---

рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда ариза берувчига кредит беришни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда **жавоб хати юборилади.**

Таълим кредити шартномаси кредит оловчи томонидан тақдим этилган талаба ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома (контракт) да кўрсатилган **бир йиллик тўлов суммасига тенг миқдордаги суммага тузилади.**

Бунда кейинги ўқув йили учун тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартномада белгиланган тўлов миқдори ва таълим кредити олиш тўғрисидаги аризадан келиб чиқиб кредит миқдори таълим кредити шартномасига **қўшимча келишув имзолаш орқали** ошириб борилади.

Тижорат банклари томонидан таълим кредитини ажратиш кредит оловчининг ссуда ҳисобварафидан унинг шахсий ёзма топширифи асосида кредит оловчи ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) ёки ҳисоб варақаси/фактурада кўрсатиб ўтилган ҳисобварафига маблағ ўtkазиш йўли билан амалга оширилади.



## Хотин-қизлар учун таълим кредитини қайтариш тартиби

Таълим кредитининг асосий қарз тўловлари кредит олувчи томонидан **таълим кредити шартномасида кўрсатилган шартларда тўланади**.

Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) таълим кредити бўйича асосий қарзни таълим кредити шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақлидир.

Кредит олувчи таълим кредити бўйича асосий қарзни таълим кредити шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаса, тижорат банки таълим кредити бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички ҳужжатларига асосан қайтариш чораларини кўради.

Кредит олувчи таълим кредити бўйича асосий қарзни кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаган тақдирда, тижорат банки кредит шартномасига асосан муддати ўтган қарз бўйича неустойка ёки бошқа турдаги жарима ҳисоблаши ва ушбу неустойка (жарима) суммасини қарз олувчидан (биргаликда қарз олувчидан) ундиришга ҳақли.

# ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ



Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда таълим йўналишларининг (мутахассисликларининг) номланиши бир хил бўлганда бундай таълим йўналишлари (мутахассисликлари) мос деб ҳисобланади.

Олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

**Талабалар *ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш:***

- олий таълим муассасалари;
- тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар;
- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорлари асосида амалга оширилади.

Бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш шу олий таълим муассасаси **ректорининг бўйруғи асосида** амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш талабани қабул

қилаётган олий таълим муассасаси бўйсунадиган вазирлик (идора) қарори асосида амалга оширилади:

- олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича **бир вазирлик (идора) доирасида** бошқа олий таълим муассасасига;
- олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича **турли вазирлик (идора) доирасида** бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига.

Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади:

- хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан **Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига**;
- бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик ёки идора ёхуд турли вазирликлар ва идоралар тизимидағи олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига ва истисно тариқасида **мос бўлмаган мутахассисликларига**.

Қуйидаги ҳолатлар фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига

**рад жавоби берилишига асос бўлади:**

- хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида ўқиганларга;
- республика олий таълим муассасаларидаги мавжуд таълим шаклидан ўзга (бошқа) таълим шаклида ўқиганларга;
- олий таълим муассасаларининг марказлари, бўлимлари, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;
- биринчи курснинг биринчи семестрига биринчи семестр тугалланмаган ҳолатда ўқишини кўчиришга (талабага касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар, ўқиган таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда кўчириб тиклаш ҳолатлари бундан мустасно);
- олий таълим муассасасида мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса;
- намунавий ўқув режаларидағи умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошганда;

- тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширмаганда;
- талабанинг шахсий йиғма жилди (академик маълумотнома) белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;
- олий таълим муассасасига давлат гранти асосида кўчириш ва қайта тиклаш давлат гранти асосидатоълим олувчилар сони (қабул квоталари) доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаса;
- олий таълим муассасаси моддий-техника базасининг имконияти чекланганда;
- мақсадли қабул қилинганлар бошқа таълим йўналиши ёки таълим шаклига, бошқа олий таълим муассасасига;
- кечки (сменали) таълимдан сиртқи (максус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;
- сиртқи (максус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (максус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;
- бир таълим шаклидан максус сиртқи таълим шаклига ҳамда максус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклига;

- талаба Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилиниб қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган бўлса (мазкур қўшма дастурнинг ўзи бундан мустасно);
- қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

Фуқаронинг ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризасига рад жавоби берилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда, аризада кўрсатилган манзилга, аризани кўриб чиқсан комиссия ёки комиссия ваколат берган ташкилот томонидан **жавоб хати йўлланади**.

Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (намунавий ўқув режаларидағи умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) **фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги** лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (жорий семестр давомида), ўқитиш курси (семестри) ҳамда ўқишга қабул қилишнинг қонунчиликда белгиланган бошқа шартларини белгилайди.

**Тошкент давлат юридик университетида таҳсил олаётган талабалар** иккинчи курсдан бошлаб ўқишнинг бир ўқув йилигача бўлган муддатни хорижий олий таълим муассасасининг юриспруденция йўналишида ўқиш ҳуқуқига эга. Талабанинг хорижий олий таълим муассасасида ўқиган даври ва ўзлаштирган фанлари хорижий олий таълим муассасаси маълумотномаси асосида университет Кенгаши томонидан университет ўқув режаси ва дастурларининг тегишли қисмларини ўзлаштирганлиги сифатида қабул қилиниши ва талабага ўқишини тегишли ўқув семестридан давом эттириш ҳуқуки берилиши мумкин.

Давлат олий таълим муассасаларида ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёни **бепул** амалга оширилади.





## Олий таълим мұассасалары талабаларининг ўқишини күчириш

Олий таълим мұассасалари талабаларининг үқишини күчириш бүйича аризаларни топшириш өткір чиқиши қуидаги амалга оширилади:

- үқишини күчириш бүйича аризаларни тақдим этиш – **ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар** амалга оширилади;
- аризаларни олий таълим мұассасаси, тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссияси томонидан күриб чиқиб, қарор қабул қилиш – **ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар** амалга оширилади.

Талабалар үқишини күчириш **узрли сабаб-ларға күра** (республиканинг бир ҳудудидан иккінчі ҳудудига доимий яшаш учун ёки турмушга чиқиши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган (паспорт бүйича доимий рүйхатдан ўтган) ҳудудга күчиб ўтганда, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзgartирғанда, ёхуд ота-онаси (турмуш ўртоғи) хориждаги давлат хизматидан қайтганда) баҳорги семестрда үқув машғулотлари бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мүмкін. Бунда:

- ўқишини кўчириш бўйича ариза топшириш – **ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар**;
- ўқишини кўчириш бўйича аризани кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш – **ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар** амалга оширилади.

Талабаларнинг ўқишини кўчириш ҳақидаги аризалари мос равишда олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Ҳудудий ишчи гурӯхларга топширилади.

Ҳудудий ишчи гурӯхлар қабул қилинган ҳужжатларни умумлаштириб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги талабалар ўқишини кўчириш ҳақидаги аризаларни белгиланган ваколатлар доирасида шакллантириб Давлат комиссиясига ва вазирликлар (идоралар)га қарор қабул қилиш учун йўллади.

Ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаро **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- кўчириш (қайта тиклаш)ни истаган таълим йўналиши (мутахассислиги), ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги **ариза** (аризада ўқиган олий таълим муассасаси

ва таълим йўналиши (мутахассислиги), таълим шакли, мақсадли қабул бўйича ўқишига кирмаганлиги, кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари, кўчириш (қайта тиклаш) қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади);

- талабанинг **рейтинг дафтарчаси** ёки белгиланган шаклдаги **академик маълумотнома нусхалари**;
- паспортнинг нусхаси.**

Ўқишининг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида таҳсил олган талабалар аризасига кўра олий таълим муассасаларида тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган **давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.**

**Кўзи ожизлар тоифасига кирувчи сифатида ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга** ажратилган квота доирасида давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликларига давлат гранти асосида кўчирилишига рухсат этилади.



**Бошқа ҳолларда**, шунингдек, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш ва кўчириб қайта тиклаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларда ташкил қилинган комиссияларда ўқиши кўчирилаётган олий таълим муассасаларининг муайян таълим йўналишидаги ўқишга кириш фанлари бўйича ўқийдиган тилида **максус синов** (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) топширади.

**Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизматини ўташ жойи** Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасига ўтказилган, Ҳукумат қарорлари ва топшириклари ҳамда олий таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилганларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш **махсус синовларсиз** Давлат комиссияси қарорига асосан амалга оширилади.

Фуқаронинг махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки қасбий (ижодий) имтиҳон шаклида) натижаси Давлат комиссиясига тақдим этилади. Махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш шаклида) натижасидан келиб чиқиб, фуқаро Давлат комиссияси қарори билан кўрсатилган ўқув шаклидаги гурӯҳларга **тўлов-контракт асосида кўчирилади**.

Кўчирилаётган олий таълим муассасасида тегишли ўқитиш тили мавжуд бўлмаса, ўқитиш тилини танлаш фуқаронинг аризасига мувофиқ амалга оширилади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида **биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг** аризаларига

мувофиқ уларнинг ўқиши Давлат комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига синовлар (тест, ёзма иш)сиз тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий веб-сайтида** эълон қилинади.

Хорижий олий таълим муассасаларининг **магистратура босқичида таҳсил олаётган** талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчирилишига рухсат этилмайди.

Тўлов-контракт асосида ўқиши кўчирилганларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома **тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда** қабул қилинади.

Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда **талаба ақадемик қарздор сифатида** ўқишга қабул қилинади.

Жорий семестр давомида ақадемик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, олий таълим муассасаси ректорининг талабага ўрнатилган тартибда

**стипендия бериш ҳақидаги бүйрүғи** чиқарилади. Стипендия миқдорини белгилашда фанлар бүйича фарқларни топшириш күрсаткычлари ҳам ҳисобга олинади.

Олий таълим мұассасасыда юридик шахс билан тузилган тұлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар үқишини күчириш ушбу **юридик шахснинг розилиги билан** амалга оширилади.



### Олий таълим мұассасалари талабалары үқишини қайта тиклаш

Олий таълим мұассасалари талабаларининг үқишини қайта тиклаш бүйича аризаларни топшириш ва күриб чиқиш бир йилда иккі марта амалга оширилади:

- үқишини күзги семестрга қайта тиклаш бүйича ариза топшириш – **хар ыйили 15 июлдан 5 августга қадар;**
- үқишини бағорғи семестрга қайта тиклаш бүйича ариза топшириш – **хар ыйили 15 январдан 25 январга қадар** давом этади.

Қайта тиклаш бүйича аризаларни олий таълим мұассасасы, тасарруфида олий

таълим муассасалари бўлган вазирлик (идора) томонидан кўриб чиқиб қарор қабул қилиш:

- кузги семестрга қайта тиклаш учун – **ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар;**
- баҳорги семестрга қайта тиклаш учун – **ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар** амалга оширилади.

**Талабалар сафидан четлаштирилган фуқаролар** ўқишини бошқа олий таълим муассасасига мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги)га кўчириб тиклаш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга. Бунда аризага ўқишини кўчириш тартибидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

**Давлат грантлари бўйича** таълим олган етимлар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар, Ҳукумат қарорлари ва топшириклари ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишига юборилган ҳамда белгиланган муддатда қайтган талабалар истисно тариқасида ўқишига (муайян курсга) давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

Республика олий таълим муассасаларининг талабаси бўлган ҳамда ҳукуматлараро ёки идоралараро ёки олий таълим муассасалариаро келишув доирасида хорижий олий таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида таҳсил олган таълим йўналишига мос бўлган йўналиш бўйича, бир ёки бир неча семестр ўқиб (Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаси билан келишув асосида) белгиланган муддатда қайтган талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасида таълим олган муддатларини (семестр) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида инобатга олган ҳолда (муайян таълим йўналиши ва таълим шаклида, жумладан, давлат гранти асосида таҳсил олган талабалар – давлат гранти асосида) **ўқишини давом эттиришига руҳсат этилади.**

Бунда муайян таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режалариидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқларни тегишли ўқув семестри давомида қайта ўзлаштиришга руҳсат этилади.

**Белгиланган муддатдан кеч қайтган талабалар ўқишининг тикланиши** умумий тартибда кўриб чиқилади.

Олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг талабани талабалар сафига қайта тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига руҳсат этиш

тұғрисидаги бүйруғи (күчириб тиклашда талаба илгари таълим олган олий таълим мұассасасынан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жұнатилиши мүмкін бўлмаган ҳолларда – академик маълумотномаси) олингандан кейин) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланганларни талабалар сафига ўқишига қабул қилиш тұғрисидаги олий таълим мұассасаси ректори (директори)нинг бүйруғи ular томонидан белгиланган муддатда **шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда** қабул қилинади.

Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда **талаба академик қарздор сифатида ўқишига қабул қилинади**.

Жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, олий таълим мұассасаси ректорининг талабага ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги бүйруғи чиқарилади. Стипендия миқдорини белгилашда фанлар бўйича фарқларни топшириш кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

**Ўқишинан четлаштирилган (курсдан қолдирилган) ўқув йилида** курсига талабани ўқишига қайта тиклашга (күчириб тиклашга) йўл қўйилмайди.

Талабани бошқа олий таълим мұассасасига ўқишини кўчириб қайта тиклашда унинг

илгари таълим олган **олий таълим мұассасаси розилиги талаб этилмайды.**

Үқишдан четлатилғанлигига **5 йилдан 10 йил-гача мұддат** (харбий хизматда бўлғанлик, уч ёшгача бўлған болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу мұддатга кирмайди) бўлған ҳолларда талабалар ўқишини қайтатиклаш олий таълим мұассасаси бўйсунувидаги вазирлик ва идоралар рухсати билан амалга оширилади.



### **Олий таълим мұассасалари талабаларини ўқишдан четлаштириш**

Талаба олий таълим мұассасасидан **қүйидаги ҳолларда четлаштирилиши мүмкін:**

- а) ўз хоҳишига биноан;**
- б) ўқишининг бошқа таълим мұассасасига кўчирилиши муносабати билан;**
- г) ўқув интизомини ва олий таълим мұассасининг **ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;****
- д) бир семестр давомида дарсларни **узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирғанлиги сабабли;****



- е) ўқиш учун белгиланган **тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли** (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан **озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;**
- з) суд қарорига кўра **кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда** (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);
- и) **вафот этганлиги сабабли.**

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага белгиланган тартибда **академик таътил берилиши мумкин.**

**Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор**

**бўлган) талаба** олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

**Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба** тўлов-контракт асосида ўқишини қўйи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар) ни ўtkазиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим муассасаларида академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар қўйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб **фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модулларни) такроран ўқиши мумкин.**

Курсдан қолдирилган талаба белгиланган ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам **келишилиши** мумкин.

Талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилганда, унга (ота-онаси ёки хуқуқий васийсига уларнинг аризаси билан)

шахсий ҳүжжатлари, белгиланган шаклдаги ақадемик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдга тикиб қўйилади.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН ҲОЛЛАРДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН:

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,  
Университет кўчаси, 7-үй
- **Ишонч телефони:** 1006
- **Электрон почта:** [edu@exat.uz](mailto:edu@exat.uz)
- **Веб-сайт:** [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-үй
- **Ишонч телефони:** 1008
- **Электрон почта:** [info@adliya.uz](mailto:info@adliya.uz)
- **Веб-сайт:** [www.adliya.uz/](http://www.adliya.uz/)

## БОШ ПРОКУРАТУРА

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-үй
- **Ишонч телефони:** 1007
- **Электрон почта:** [bp@prokuratura.uz](mailto:bp@prokuratura.uz)
- **Веб-сайт:** [www.prokuratura.uz](http://www.prokuratura.uz)

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 1
- **Ишонч телефони:** 102
- **Электрон почта:** [info@iiv.uz](mailto:info@iiv.uz)
- **Веб-сайт:** [www.gov.uz](http://www.gov.uz)



# ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚҰЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар:  
Ф. Тожиев, Ш. Абдуллаев

Түзувчи:  
С. Туремуратов

Компьютерда сақыфаловчи:  
Х. Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. AI № 032, 29.10.2019.  
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-ўй.  
Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47  
Веб сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)  
e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишга рухсат этилди \*\*.\*\*.2024 й.  
Қоғоз бичими 70x90 1/<sub>32</sub> «AntiquaUz» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи \*\*.  
Нашриёт ҳисоб табоғи \*\*. Адади \*\* нұсха.  
-буюртма. Нархи шартнома асосида.